


Тумандаги зиёратгоҳ номини ўзгартириш ва тасдиқлаш тўғрисида



ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ УЗУН ТУМАНИ КЕНГАШИННИНГ ҚАРОРИ

Узунтумани, Ўзбекистонкӯчаси 7-уй. тел.. (+99876)44-73-545, uzun.t@exat.uz

20- йил 9-июн
Узун тумани

ВИ-44-75-8-118-K/22

ТУМАНДАГИ ЗИЁРАТГОҲ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

“Географик обектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 16-октябрдаги 295-сон “Географик обектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик обектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда “Маҳаллий давлат хокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни б-моддасига асосан халқ депутатлари Узун тумани Кенгashi **қарор қиласи**:

1. Географик обектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича Географик обектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг

2022-йил 14-апрелдаги 01-14-518-сон йиғилиш баёни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туманда номи ўзгараётган ҳамда тасдиқланаётган зиёратгоҳ рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Туман Статистика бўлими (Ш.Холназаров), туман Қурилиш бўлими (Б.Абдуллаев), Давлат кадастрлар палатаси Узун тумани филиали (Ш.Хуррамов) туман ҳокимлиги билан биргаликда номлари ўзгартирилган ҳамда тасдиқланган зиёратгоҳни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш хужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширасин.

4. Туман Қурилиш бўлими (Б.Абдуллаев) ҳудудларда номи ўзгартирилган географик обектга янги номи ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор туман ҳокимлиги ахборот хизмати (Т.Атаханов), “Боботоғтонги” газетаси таҳририяти (И.Бобокалонов) га расман эълон қилинсан ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси (С.Ташанов), халқ депутатлари туман Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупсияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (М.Исматов) зиммаларига юклатилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

Кенгаш раиси

Б.Б.Турсунов

Халқ депутатлари узун туман Кенгашининг

2022 йил 9 июндағи

ВИ-44-75-8-118-К/22

1-илова

**Сурхондарё вилояти Узун тумандаги зиёратгоҳ номини
ўзгартириш түғрисидаги таклифлар**

T/r	Географик обектнинг тури	Жойлашган ўрни	Географик обектнинг амалдаги номи	Туман ва вилоят комиссияси томонидан берилган таклифлар	Экспертиза хуносаси
1	2	3	4	5	6
1.	Зиёратгоҳ	“Оқостона” МФЙ	Оқостона бобо	Оқостона бобо	Оқостона